

Таҳийятул масжид



13:40 / 03.02.2020 4138

Савол:

Масжидга кириб келганда (намоз бошланишига ҳали вақт бор бўлганда) толиби илм ёки имом томонидан овоз чиқариб Қуръон тиловат қилинаётган бўлса, мусулмон одамнинг таҳийятул масжид намозини ўқиши жоиз бўладими ёки у ўтириб, имомни эшитиши керак бўладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Сиз айтган вазият вужудга келмаслиги учун масжидда тиловат қилувчилар овозларини баланд кўтармай ўқишлари лозим. Сизнинг ҳолатингизда қироатни эшитган афзал бўлади. Қироатдан кейин «таҳийятул масжид»ни ўқиб оласиз. **Валлоҳу аълам.**

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан